1 МАЙ БАЙРАМИНГИЗ ҚУТЛУҒ БЎЛСИН!

Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

№ 100 (5691)
30 АПРЕЛЬ 1985 й.
СЕШАНБА
Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган.
Баҳоси 3 тийин.

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ШАҲАР КОМИТЕТИ ВА ТОШКЕНТ ШАҲАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

Яшасин 1 Май—Меҳнаткашларнинг халқаро бирдамлик куни!

(КПСС Марказий Комитетининг Май Чақириқларидан).

КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети, ВЦСПС ва ВЛКСМ Марказий Комитетида

1985 йил 20 апрель куни В. И. Ленин туғилган кунининг 115 йиллигига бағишланган Бутуниттифоқ коммунистик шанбалиги бўлди. Шанбаликда 159 миллион киши қатнашди, улар саноатда, қишлоқ хўжалигида, қурилишда, транспортда ва халқ хўжалигининг бошқа тармоқларида бевосита ўз иш жойларида, шунингдек шаҳарлар ва аҳоли пунктларини ободонлаштиришда ишладилар.

Совет кишиларининг шанбалик вақтидаги фидокорона, беғараз меҳнатлари партия XXVI съезди, КПСС Марказий Комитети шундан кейинги Пленумлари қарорларини амалга ошириш учун, ўн биринчи беш йиллик якунловчи йили план топшириқлари ва социалистик мажбуриятларни бажариш учун курашда меҳнаткашлар юксак меҳнат ва сиёсий активлигининг ифодаси бўлди. КПСС XXVII съездига ҳамда Улуғ Ватан урушидаги Ғалабанинг 40 йиллигини байрам қилишга умумхалқ тайёргарлиги бутун шанбаликнинг ўтишига ва унинг натижаларига катта таъсир этди.

Дастлабки ҳисобларга кўра, 200 миллион сўмга яқин пул ишлаб топилди ва беш йиллик фондига ўтказилди. 1 миллиард сўмлик саноат маҳсулоти ишлаб чиқарилди.

КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети, ВЦСПС ва ВЛКСМ Марказий Комитети Бутуниттифоқ коммунистик шанбалигида фаол иштирок этганликлари учун ишчи ва хизматчиларга, колхозчиларга, инженер-техник ходимлар ва хизматчиларга, ёшларга, Совет Армияси ва Флотининг жангчиларига, уруш ва меҳнат ветеранларига самимий миннатдорчилик билдирадилар. Шанбаликда ишлаб топилган маблағ меҳнаткашларнинг хоҳиш-истакларини ҳисобга олган ҳолда уруш ва меҳнат ветеранларига медицина хизмати кўрсатиладиган касалхона ва амбулатория-поликлиника муассасалари, шифохоналарни ривожлантиришга, шаҳарлар ва қишлоқ жойларда туғруқхоналар, болалар шифохоналари ва поликлиникалари қурилишига сарфланади. Москва шаҳри ва Москва области меҳнаткашлари ишлаб топган маблағ 1941—1945 йиллардаги Улуғ Ватан урушида совет халқи ғалабаси ёдгорлиги қурилишига сарфланади.

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИДА

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми ўн биринчи чақириқ СССР Олий Совети депутатларига сайловчилар берган наказларнинг бажарилиши ҳақида Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Раисининг биринчи ўринбосари В. К. Михайловнинг ахборотини тинглади. Шу нарса таъкидландики, министрликлар ва идоралар, Советларнинг ижроия комитетлари меҳнаткашларнинг таклифларини рўёбга чиқариш юзасидан тадбирлар ишлаб чиқиб, амалга оширмоқдалар. Бу таклифларнинг кўпчилиги шаҳарлар ва районларни социал-иқтисодий ривожлантириш планларига киритилди. Шу билан бирга наказларнинг бажарилишига ҳамма жойда ҳам тўла масъулият билан ёндашилмаяпти, бир қанча ҳолларда бу муҳим ишга расмиятчилик билан қаралмоқда. Президиум Ўзбекистон ССР Министрлар Советига сайловчиларнинг наказлари амалга оширилиши устидан назоратни кучайтириш, министрликлар, идоралар ва халқ депутатлари Советлари ижроия комитетлари белгиланган тартибда наказларнинг амалга оширилишига оғишмай риоя қилишларига, уларнинг ўз вақтида бажарилиши учун барча мавжуд резервлардан фойдаланишларига эришиш топширилди.

Республика министрликлари ва идораларининг социалистик мулкни сақлаш ҳақидаги қонунга риоя қилиш юзасидан контрол-ревизия хизматларининг иши кўриб чиқилди. Бу соҳадаги иш бирмунча яхшиланганига қарамай, ҳали етарлича самарали эмаслиги, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг XVI пленуми талабларига жавоб бермаётганлиги таъкидланди. Республикадаги корхона ва ташкилотларда камомат ва ўғирлик қилиш ҳоллари ҳамон мавжуд. Инвентаризация ва контрол текширишлар кўпинча юзаки ўтказилади. Контрол ўтказувчи ҳодимлар ўзлари текшираётган шахслардан пора олиш ҳоллари ҳам учраб туради. Бир қатор ташкилотларнинг раҳбарлари талон-торож қилувчи шахсларга нисбатан муросасозлик муносабатида бўлмоқдалар, ўғирлик ҳақидаги материаллар узоқ вақтгача тергов органларига ўтказилмайди. Президиум социалистик мулкнинг сақланишини таъминлаш бўйича ички идоравий контролнинг аҳволини қониқарсиз деб топди ҳамда министрликлар, идоралар ва халқ депутатлари Советлари ижроия комитетлари зиммасига қонун талабларига биноан контрол-ревизия аппарати ишини тубдан яхшилашга қаратилган конкрет тадбирларни амалга ошириш вазифасини юклади.

Президиумнинг чайқовчиликка қарши курашни кучайтириш тўғрисидаги қарори қандай бажарилаётганлиги ҳақида Андижон ва Тошкент областлари ижроия комитетлари, Тошкент шаҳар ижроия комитетининг ҳисоботларини муҳокама қилиш чоғида ўтган даврда саноат ва озиқ-овқат моллари, айниқса қишлоқ хўжалик маҳсулоти билан чайқовчилик қилиш миқёси камаймаганлиги қайд этиб ўтилди. Ҳамма жойда ҳам чайқовчиларга қарши зарур даражада қатъият ва сиёсий жўшқинлик билан кураш олиб борилмаяпти, бу кураш кампания тарзида расмиятчилик учун олиб борилмоқда. Маҳаллий Советларнинг ижроия комитетлари, ҳуқуқтартиботни муҳофаза қилиш органлари айрим жиноятчиларни фош қилганларида чайқовчиликни келтириб чиқарадиган сабабларга барҳам беришга етарли эътибор қилмаяптилар. Чайқовчиларга хомийлик қилаётган мансабдор шахсларни жавобгарликка тортмаяптилар. Жамоат ерини талон-торож қилаётган колхозлар ва совхозларнинг, давлат автотранспортини чайқовчилар ихтиёрига бериб қўяётган автохўжаликларнинг, томорқа ҳақида сохта справкалар берувчи маҳаллий ҳокимият органларининг раҳбарлари жазодан қутулиб қолиб, ўз лавозимларида ишлаб келаётганликларига мутлақо тоқат қилиб бўлмайди. Президиум халқ депутатларининг маҳаллий Советларидан, республика министрликлари ва идораларидан КПСС Марказий Комитетининг 1985 йил апрель Пленуми қарорларидан келиб чиқиб, чайқовчиликка қарши курашни кучайтириш юзасидан кескин чоралар кўришни, бу ишда асосий эътиборни чайқовчиликни келтириб чиқараётган сабабларни бартараф этишга қаратиш, ҳамма жойда чайқовчиларга ва уларнинг хомийларига нисбатан жамоатчилик муросасизлиги вазиятини вужудга келтиришни талаб қилди.

Шунингдек, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг чорвачиликни ривожлантириш тўғрисидаги қарорини халқ депутатлари Советобод район Совети қандай бажараётганлиги ҳақидаги масала ва бошқа масалалар муҳокама қилинди.

Мажлисда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари И. Б. Усмонхўжаев нутқ сўзлади.



Рассом В. Муромцев чизган плакат.

ХАЛҚ ЖАСОРАТИ БАРҲАЕТДИР

Улуғ Ватан уруши партия билан халқ бирлигини, ишчилар синфи, колхозчи деҳқонлар ва халқ зиёлиларининг иттифоқи, кўп миллатли Ватанимиз халқлари дўстлиги ва қардошлигининг мустаҳкамлигини яққол намойиш қилди. Ана шу урушда совет халқи қозонган Ғалаба ғоят катта халқаро аҳамиятга эгадир. Улуғ Октябрь ғалабаси билан бир сафда турадиган бу ғалаба йигирманчи асрнинг энг муҳим воқеаси бўлди. Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг 29 апрель куни Тошкентда бўлиб ўтган умумий йиғилиши қатнашчилари ана шуни таъкидлаб ўтдилар. Қизил Байроқ орденли Туркистон ҳарбий округи штабининг ва Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ҳузуридаги Партия тарихи институтининг вакиллари қатнашган бу йиғилиш Улуғ Ватан урушида совет халқи қозонган Ғалабанинг 40 йиллигига бағишланди.

Йиғилишни Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг президенти П. Қ. Ҳабибуллаев очди. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ҳузуридаги Партия тарихи институтининг директори, Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг академиги Ҳ. Т. Турсуновнинг докладида Улуғ Ватан уруши йилларида Ўзбекистон Компартиясининг ташкилотчилик ва сафарбар этувчилик фаолияти тўғрисида гапирилди. Туркистон ҳарбий округи штаби бошлиғининг биринчи ўринбосари генерал-майор Л. Т. Левченко «Улуғ Ватан урушида Совет Иттифоқи қозонган Ғалаба— совет ҳарбий фани, ҳарбий санъати афзаллигининг далили» деган мавзуда доклад қилди. Ўзбекистон ССР Фанлар академияси Тарих институтининг катта илмий ходими, тарих фанлари доктори А. Ю. Иброҳимованинг докладида совет халқининг ғалабасига Ўзбекистон меҳнаткашлари қўшган ҳиссса тўғрисида гапирилди. Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг вице-президенти, Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг академиги Э. Ю. Юсуповнинг докладида совет халқининг Улуғ Ватан уруши тарихини буржуача сохталаштиришнинг асоссизлиги очиб берилди.

Ўзбекистон фронтга ўзининг энг яхши ўғил-қизларини юборди. Халқ хўжалигини ҳарбий изга кўчириш, меҳнат ва иқтисодий ресурсларни фронт эҳтиёжларига сафарбар этиш соҳасида жуда катта ишлар амалга оширилди, деб уқтирилди йиғилишда. Кўчириб келинган корхоналарни узлуксиз қабул қилиб олиш, уларни тезда монтаж қилиш ва фойдаланишга топшириш таъминланди. Пахта ва озиқ-овқат маҳсулоти етказиб берган республика деҳқонлари Ғалабага салмоқли ҳисса қўшдилар. Уруш сабабли бошпанасиз қолган бир миллиондан ортиқ киши Ўзбекистонда паноҳ топди. Улуғ Ватан уруши йилларида мамлакат ичкарисида олиб борилган ишлар социализм иқтисодий системасининг мустаҳкам пойдеворига асосланди. Уруш даврининг машаққатли шароитида халқ маданият бойликларини келгуси авлодларга сақлаб қолиш учун барча ишлар қилинди. 1943 йилда Ўзбекистон ССР Фанлар академияси очилганлиги илм-фанни ривожлантириш тўғрисида партия ғамхўрлигининг, ленинча миллий сиёсат тантанасининг ёрқин далили бўлди. Олимлар амалга оширган ишлар республика ишлаб чиқариш кучларини ривожлантиришга, бутун мамлакат мудофаа қудратини мустаҳкамлашга кўмаклашди.

Ўтган урушнинг сабаблари ва якунлари тўғрисидаги тарихий ҳақиқатни яққол очиб бериш, воқеаларни сохталаштиришга, Совет Қуролли Кучларининг буюк ҳалоскорлик вазифаси моҳиятини бузиб кўрсатишга зўр бериб уринаётган Ғарб сиёсатдонлари ва тарихчиларига далиллар билан зарба бериш— олимларнинг бурчидир, деб таъкидлашди йиғилиш қатнашчилари. Совет халқи Ер юзида тинчлик манфаатларини қўзлаб ғалабани қўлга киритди, чунончи, идеологик қўпорувчиларнинг ҳар қандай кирдикорлари Совет Иттифоқи ва бошқа социалистик мамлакатлари ўтказаётган тинчликсевар сиёсатни хиралаштира олмайди.

Йиғилишда КПСС Марказий Комитетининг апрель Пленуми талаблари асосида халқ хўжалигини интенсивлашнинг асосий стратегик омили бўлган фан-техника тараққиётини кенг кўламда жадаллаштириш ишида республика олимлари ҳал этиши лозим бўлган улкан вазифалар тўғрисида гапирилди.

Йиғилишда СССР Фанлар академиясининг вице-президенти академик П. Н. Федосеев нутқ сўзлади.

Йиғилиш ишида Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг секретари Р. Ҳ. Абдуллаева иштирок этди.

(ЎзТАГ).

тонгги газеталарда

● 29 апрель куни КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари М. С. Горбачев ва бошқа совет раҳбарлари Никарагуа Республикасининг президенти, Сандиночилар миллий-озодлик фронтининг миллий раҳбарлиги аъзоси Д. Ортега бошчилигидаги Никарагуа делегацияси билан учрашдилар.

● Шонли сана— Вьетнамнинг жанубий тўла-тўкис озод қилинганлигининг 10 йиллиги муносабати билан КПСС Марказий Комитети, СССР Олий Совети Президиуми, СССР Министрлар Совети Вьетнам Коммунистик партияси Марказий Комитетининг Бош секретари Ле Зуанга, ВСР Давлат Кенгашининг Раиси Чионг Тинга, ВСР Министрлар Советининг Раиси Фам Ван Донгга, ВСР Миллат мажлисининг Раиси Нгуен Хиу Тхога табрик телеграммаси йўлладилар.

● 29 апрель куни Тошкентда Улуғ Ватан урушида совет халқи қозонган Ғалабанинг 40 йиллиги шарафига коммунистик шанбаликка тайёргарлик кўрувчи ва уни ўтказувчи республика штабининг мажлиси бўлди. Мажлис Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг секретари В. П. Анишчев раислигида ўтди. Мажлисда Қорақалпоғистон АССРда, Бухоро, Қашқадарё, Навоий ва Самарқанд областларида меҳнат байрамига тайёргарликнинг борши кўриб чиқилди.

● 29 апрель куни Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумида мукофотлар топширилди.

10 ва ундан кўпроқ бола ўстириб тарбиялаган аёлларга «Қаҳрамон она» ордени топширилди.

Мукофотларни Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми Раисининг ўринбосари А. П. Романовский топширди.

● Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг «Осиё ва Тинч океан регионида тинчлик ва хавфсизлик» университети халқаро семинари 29 апрель куни Тошкентда ўз ишини тугатди.

КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ ВА СССР МИНИСТРЛАР СОВЕТИДА

КПСС Марказий Комитети билан СССР Министрлар Совети 1985 йил 18 апрелда «1986 —1990 йилларда ва 2000-йилгача бўлган даврда маҳаллий саноатни янада ривожлантириш тадбирлари тўғрисида» қарор қабул қилдилар, бу қарор халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқаришни ва маиший хизматни ривожлантиришнинг 1986 —2000-йилгача мўлжалланган комплекс программасининг таркибий қисмидир.

(Бу қарорнинг тўла баёни тонгги газеталарда эълон қилинган).

КАДРЛАРНИНГ ЛЕНИНЧА ИШ УСЛУБИ УЧУН

Республика партия-хўжалик активи мактабида 29 апрель куни навбатдаги машғулот бўлиб ўтди. Тингловчилар ҳузурида Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг иккинчи секретари Т. Н. Осетров «КПСС-нинг кадрлар сиёсати. Иқтисодий ва маданий қурилишда раҳбарнинг роли» мавзуида лекция ўқиди.

Принципиаллик ҳамда ўзига ва қўл остидаги кишиларга нисбатан юксак талабчанлик, топширилган иш учун шахсий масъулият ва камчиликларга, партия ва давлат интизомини бузишларга нисбатан муросасизлик, ишни чуқур билиш, шахсий камтарлик, одамларга эътибор билан муносабатда бўлиш, тарбиявий ишда актив қатнашиш — Коммунистик партия раҳбар олдига қўяётган талаблардир. Республика партия ташкилоти Ўзбекистон Компартиясининг Марказий Комитетининг XVI ва XIX пленумлари қарорларига амал қилиб, партия, совет, хўжалик ишларининг турли соҳаларига ҳалол, виждонан ишловчи, партия белгилаб берган тадбирларни қатъият ва изчил амалга оширувчи кадрлар раҳбарлик қилишига қаратилган йўлни муттасил ўтказиб келмоқда. Раҳбар ходимнинг фазилатлари, унинг қобилияти одамларни ўзига эргаштира билишида, коллективни жипслаштиришда, уни планлар ва социалистик мажбуриятларни муваффақиятли бажаришга сафарбар эта билишида яққол намоён бўлади.

КПСС Марказий Комитетининг 1985 йил апрель Пленумида таъкидланганидек ҳар бир раҳбарнинг ишида омилкорлик, янгиликни ҳис этиш, ташаббус, дадиллик ҳамда масъулиятни ўз зиммасига олишга шайлик сингари амалий фазилатлар аҳамияти тобора ортиб бормоқда.

(ЎзТАГ).

● Тошкент—жаҳонга

ЭКСПОРТ КЎПАЙМОҚДА

Шу кунларда Тошкентдаги бир қатор машинасозлик корхоналарида чет эл мамлакатларидан олинган буюртмаларни бажариш қизғин бормоқда. Заводларнинг ишчи ва хизматчилари экспортга юбориладиган машиналарни фахр билан тайёрламоқдалар. «Узбексельмаш» заводи Ироқ республикасидан олинган буюртмани бажарди. У ерга чигит экадиган сеялкаларнинг дастлабки туркуми жўнатилди. Айни пайтда Сурия республикасининг буюртмаси ҳам бажарилмоқда. Бу ерга хўжалик машиналари юборилади. Сурия мамлакати бу корхонанинг узоқ йиллардан буён мижозидир.

Корхона маҳсулотларини турли қитъалардаги ўттиздан ортиқ мамлакат қизиқиш билан олмоқда. Шундай қилиб, корхонада чет эллариинг бу йилги буюртмасини бажариш қизғин бошланди.

Бундан ташқари жаҳоннинг бир неча мамлакатларида бўладиган халқаро кўрикларга ҳам тайёргарлик кўрилмоқда. Трактор заводи ўзининг такомиллашган янги «МТЗ —80Х» маркали «Ташсельмаш» заводи эса пахта териш машиналарини тайёрламоқда. Бу экспортлар Ҳиндистонда бўладиган халқаро қишлоқ хўжалик машиналари кўргазмасида намойиш қилинади.






Байрамона Тошкент


Тошкент меҳнаткашлари 1 Майни зарбдор меҳнат билан кутиб олишмоқда. Эртага шаҳарнинг марказий майдони — Ленин майдонидан металл қуювчилар, тўқимачилар, тракторсозлар, авиасозлар шаҳдам одим ташлаган ҳолда ўтишиб, меҳнатда эришган ютуқлари ҳақида рапорт беришади. Уз ижодий ишларига якун ясашади.

Революция инқилоби хиёбонидаги қурант соатларининг занги тобора байрам шодиёналари яқинлашаётганидан дарак бермоқда. Шу боисдан ҳам республикамиз пойтахти меҳнаткашларининг юзида кулгу, қалбида қувонч. Барча меҳнат коллективларида меҳнат илғорлари, беш йиллик зарбдорлари шон ва шуҳрат топишмоқда.









...Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг XVI пленуми тарихий қарорлари халқ хўжалигининг барча соҳасида яхлит иш самарадорлигига эришишнинг жанговар программаси сифатида муҳим ғояларни илгари сурди. Меҳнат унумдорлигини қўлга киритишда эса корхоналарнинг ташаббускорлиги, айниқса муҳим роль ўйнайди. Мухбиримизнинг байрам арафасида Тошкент темир йўл бўлинмаси «Салор» станциясн бошлиғи район Совети депутати Р. Зайниддинов билан бўлган суҳбати станциянинг бугунги иш кунлари, бу ерда амалга оширилаётган тадбирлар, камчиликларни бартараф этиш йўлида кўрилаётган амалий ишлар тўғрисида...



Байрамолди интервьюси

Қатор-қатор вагон келар...

— Одатда ҳар қандай байрам арафасида эришилаётган ютуқлар ҳақида гапирилади, янги режалар тузилади. Шундан келиб чиққан ҳолда станциянинг умумий иш кунлари ҳақида гапириб берсангиз,..

— Станциямиз коллективи асосан корхона ташкилотларига хизмат кўрсатади. Завод, корхоналарда бўлгани сингари станциямизда ишни узлуксиз йўлга қўйишни мунтазам ташкил этишга бел боғлаганмиз. Станциямизда пойтахтимизнинг энг йирик — «Ўзбекхлопкомаш», «Ўзбексельмаш», экскаватор заводи, лак-буёқ заводи сингари корхоналарнинг темир йўл тармоқлари мавжуддир. Мазкур корхоналарга ҳеч узилишсиз вагонлар келиб турмоқда. Корхоналар ҳам ўз навбатида қишлоқ хўжалик машиналари, хилма-хил маҳсулотларни жўнатиб турмоқдалар. Ўн биринчи бешйиллигининг охирги йили станциямиз учун айниқса қизғин бошланди. Йилнинг биринчи квартали плани 109 процентга муддатидан илгари ошиғи билан бажарилди. Ишни шу суръатда давом эттиришга ҳаракат қиляпмиз.

— Коллективни н г яқин келгусида режаларн қандай?

— Станциядаги ишлар биринчи навбатда бизга дахлдор бўлган корхоналарнинг қизғин фаолиятига боғлиқдир. Айтиб ўтилган корхоналарда маҳсулот ишлаб чиқариш қанчалик кўпайса бизнинг масъулиятимиз ҳам шу даражада ошади. Шу нуқтаи-назардан олиб қаралганда станция коллективининг яқин келгусидаги ишлари ҳам янада қизғинроқ бўлади. Бу ерда коллективимизнинг Совет халқи немис-фашист босқинчилари устидан қозонган Буюк Ғалабасининг 40 йиллиги, КПСС XXVII съезди сингари тарихий саналарни юксак кўрсаткичлар билан пешвоз олишга бел боғлаб, меҳнат қилаётганини айтиб ўтмоқчиман. Мақсадимиз станциямизда вагонларнинг туриб қолиши сингари умумий ишимизга халақит берадиган нуқсонларни бартараф этиш, илғор иш муҳитини, юксак меҳнат интизомини вужудга келтиришдан иборатдир. Шу ўринда станциямизнинг Г. Савкина, Н. Исатаева, Т. Туропов, А. Негманов сингари фидокорлари, Ф. Шаварин, П. Тумаков сингари жонкуяр машинистлари хизматини алоҳида таъкидлагим келади. Бу пешқадамлардан ҳар қанча ўрнак олса арзийди.

— Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг XVI пленуми бўлиб ўтган даврдан буён салкам бир йиллик муддат ичида катта ижобий ўзгаришлар содир бўлди. Станцияда бу ишлар нималарда ифодаланади?

— Жуда ўринли савол. Ҳар қандай ишда, шубҳасиз, камчилик бўлади. Шу камчиликларни бартараф этишга интилиш эса фақатгина муваффақиятга олиб келади. Замон қўяётган қатъий талаблар биздан қатъий, амалий жавоблар кутади. Энг аввал кадрлар масаласини эслатиб ўтмоқчиман. Очиғини айтиш керак, бизга бу масалани ҳал қилиш учун жиддий ўзгаришлар қилиш мумкин. Кадрлар унча етарли эмас. Лекин яхшилаш имкони бор. Станцияда янги — бригада пудрати системасининг кенг планда йўлга қўйилиши ишчиларнинг манфаатдорлигини ҳам, ишимизнинг самарасини ҳам оширишга қайта ёрдам бермоқда. Лекин юқорида биз тилга олган корхоналарга етиб бораётган вагонлар ўз вақтида қайтиб келмаяпти. Сабаби: улар ўз вақтида бўшатилмайди. Юкчиларнинг етишмаслиги, тунги сменаларда ишнинг яхши ташкил этилмаганлиги, дам олиш кунларида иш суръати пасайиб кетиши сингари ҳоллар мувафақиятларимиз фонига доғ бўлиб тушмоқда. Бу нуқсонларни тугатишнинг кўпгина резерв ва имкониятлари бор деб ўйлайман. Ишимизда вагонларни ўз вақтида бўшатиб бермаётган корхоналарда жарима ундириш принципини жорий қилдик. Натижада, биринчи квартал давомида экскаватор заводи 16155 сўм, лак-бўёқ заводи 15369 сўм, тамаки фабрикаси 5581 сўм ва «Ўзбексельмаш»ишлаб чиқариш бирлашмаси 3420 сўм жарима пулини темир йўл кассасига ўтказишга мажбур бўлдилар. Зеро, вагонларнинг ўз вақтида бўшатилиши халқ хўжалигига плантопшириқларни муддатидан кечиктирмай бажаришга катта ёрдам беради. Кўрилаётган тадбирлар дастлабки натижаларни бермоқда. Ҳозирги кунда станциямизнинг пўлат изларидан вагонлар бир маромда ўтиб турибди. Қутлуғ байрам арафасида жамики тинчликсевар ва меҳнаткаш инсонларнинг орзу-ниятлари ёруғлик, тинчтотувлик бўлгани сингари станциямиздан ўтаётган вагонларнинг ҳам йўллари ойдин бўлишига тилакдошмиз...

● Элга хизмат—олий ҳиммат

Аъло кайфият ёр бўлсин

Эртага нишонланадиган 1 Май байрами арафасида шаҳримиз янада гўзаллашган. Тошкентликлар бу байрамни ўзларининг социалистик мажбуриятларини муддатидан илгари бажариб, минглаб кишилар уй тўйларини ўтказишаётган, янги турар жой биноларини муддатидан илгари фойдаланишга топшириб, янги меҳнат ютуқлари ва аъло кайфиятлар билан кутиб олишмоқда. Шаҳар маиший хизмат кўрсатиш тармоқлари ходимлари байрамни қандай ютуқлар билан қарши олишмоқда?

Бу саволга Тошкент шаҳар Совети ижроия комитети аҳолига маиший хизмат кўрсатиш бошқармасининг бошлиғи М. ЗУФАРОВ жавоб беради:

— Тошкент — йирик индустриал марказдир. Унинг аҳолиси тез кўпаймоқда. Шунинг учун ҳам маиший хизмат кўрсатиш ходимларининг биринчи навбатдаги вазифаси шаҳримиз аҳолисининг турмушини янада гўзаллаштиришга ҳисса қўшишдан иборат.

Фақатгина 1984 йилнинг иккинчи ярми ва бу йилнинг дастлабки кварталида шаҳримизда 170 та маиший хизмат объектлари очилди. Куйбишев, Фрунзе, Октябрь, Чилонзор районларида ҳам янги маиший хизмат комбинатлари ишга туширилди.

Улардан бири Навоий кўчасида жойлашган бўлиб («Савдо растаси») тўққиз хил хизмат кўрсатмоқда. Богдан Хмельницкий кўчасидаги 85-уйда очилган комбинат аҳолига холодильниклар, кир ювиш машиналари, чет эллардан ишлаб чиқарилган магнитофонларни ремонт қилиш бўйича хизмат кўрсатмоқда. Фарҳод кўчасидаги 23-уйда жойлашган бундай комбинат эса сартарошлик, кийимлар тикиш ва ремонтидан ташқари бошқа хил хизматлар ҳам кўрсатади. Масалан, фотостудия, мураккаб рўзғор техникаси ва соатлар ремонти шулар жумласидандир.

Биз аҳолига кўрсатиладиган маиший хизмат ишларини такомиллаштириш билан бирга хизмат турларини кенгайтириш ва уларнинг сифатини яхшилашга ҳам ҳаракат қиляпмиз. Бевосита саноат корхоналари, ташкилотлар, муассасалар ва олий ўқув юртларида маиший хизмат комбинатларини ташкил этишга катта эътибор қаратиляпти. Кейинги даврда 68 та шундай хизмат объектлари аҳоли хизматига топширилди.

«Миконд» заводида ташкил этилган маиший хизмат камбинатида сартарошхона, химчистка қабул пункти, кийим ва пойафзал ремонти устахоналари ишлаб турибди. Бундай комбинатлар мотор заводида, «Средазэлектроаппарат», «Тошкент» ёғочни қайта ишлаб чиқариш бирлашмаси ва бошқа ташкилотларда ҳам ишга туширилган ва улар аҳолига кўп турдаги хизматлар кўрсатмоқда.

Шаҳарда янги микрорайонлар қанча кўп қурилса ва уларнинг аҳолиси қанча кўп ошса маиший хизмат корхоналари ҳам шунча кўпаяди. Бизнинг мақсадимиз шаҳар аҳолиси у ёки бу хизмат юзасидан шаҳарнинг у бурчидан бу бурчига қатнаб юришига имкон қолдирмай буларнинг ҳаммасини ўларнинг микрорайонида бажарилишини таъминлашдан иборатдир.

Мана шунинг учун ҳам биз шу йилнинг ўзида Юнусобод массивидаги Д—2 кварталида тўй ва маросимлар учун хизмат кўрсатадиган участка ва прокат қабул пункти, Боткин кўчасидаги 6-уйда эса маиший хизмат кўрсатиш комбинати ва сартарошхона, Г—50 микрорайонидаги 16 қаватли 22-А уйда маиший хизмат кўрсатиш комбинати, «Халқлар дўстлиги» микрорайони ва Фарҳод кўчаларида ҳам шундай комбинатлар очишни кўзда тутаяпмиз.

Жуковский-Павлов кўчасида 776 квадрат метр майдони бўлган «Музика уйи», Г. Лопатин кўчасида эса «Пойафзал уйи» фойдаланишга топширилади.

Бу ва бошқа маиший тармоқлари тошкентликларнинг зарур маиший хизматлар учун сарфланадиган вақтларини тежаш имконини беради. Бу борада кўпгина ишлар қилиняпти. Аммо аҳолига маиший хизмат кўрсатишни яхшилаш, уларнинг турларини кенгайтириш бўйича партия ва ҳукуматимиз томонидан қўйилган бош вазифани муваффақиятли ҳал этиш учун эндиликда бу борадаги ишларни кенг қулоч ёйдириш лозим.

● ЁРУҒ ЮЗ БИЛАН

● ҲЕЧ КИМ, ҲЕЧ НАРСА УНУТИЛМАЙДИ

● ДЎСТЛИК КЛУБИ ТАКЛИФ ЭТАДИ

● ҲАМШАҲАРЛАР, СИЗЛАР УЧУН!

ТИНЧЛИК,

Буюк Ғалабанинг 40 йиллиги олдидан

ЯНГИ УЙ МУБОРАК!

УРУШ ВЕТЕРАНЛАРИГА КАТТА ҒАМХЎРЛИК



Буюк Ғалаба йилида Тошкент шаҳар Совети ижроия комитети Улуғ Ватан уруши инвалидларига, урушда ҳалоқ бўлганларнинг оилаларига янги уйлардан 300 та квартира ажратди.

Василий Иванович Ладигин ўз уйида яшарди. Уйнинг фақат номи бор эди, холос. Тўкилай деб турган уйда ҳеч қандай қулайликлар йўқ эди. Ваҳоланки, соғлом киши учун бунинг аҳамияти катта. Айниқса, фронтдаги яра азобидан тўшакка михланиб қолган киши учун бу янада муҳимдир. Ҳа, унинг оиласи сиқилиб қолган эди. Қизлар бўйига етди, куёвлар келди, набиралар туғилди. Албатта, ҳар бир бола чолкампир учун катта бахт. Аммо уларнинг дам олиши учун жой йўқ эди.

Мана ниҳоят хушхабар! Куйбишев район Совети ижроия комитети Улуғ Ватан уруши биринчи группа инвалиди, собиқ артиллериячи В. И. Ладигинга шаҳар марказидан унча узоқ бўлмаган Пушкин майдони яқинидаги Пушкин-Салор турар жой массивидан янги беш қаватли ғиштли уйдан беш хонали квартира ажратди. У бу ерга рафиқаси Александра Антоновна, қизи, куёви ва икки невараси билан кўчиб келди. Бошқа қизи эса отасининг собиқ уйида қолди.

Паркет пол ўзига хос жозибадорлик бахш этади. Хоналар тоза, шинам ва ёруғ. Василий Иванович билан Александра Антоновна бизни самимий қарши олади.

—Ҳаммаси аъло даражада,—дейди Василий Иванович.—Март ойида менга Тошкент шаҳар социал-таъминот бошқармасидан текинга «Запорожец» машинаси берилди.

Қанчадан-қанча Улуғ Ватан уруши инвалидларига янги квартира ордерлари топширилмайди, дейсиз. Масалан, «Д-20А» кварталидан З. Йўлдошев, С. Лоторев, А. Рябков, М. Авцинлар, Ивановолик тўқимачилар массивидан И. Султонов, Измайлов кўчасидан Н. Полвонов, «Сергели-3» массивидан Х. Ғайнуллин, Х. Горохов, Пушкин —Салор массивидан Н. Очилов, Жаҳон Обидова кўчасидан А. Курников ва А. Бўлатов, Оҳангарон шоссеси-дан А. Камолов, 2-Қорасув массивидан А. Биковлар янги уйларнинг квартиралари калитларини олишди.

— Буюк Ғалабанинг 40 йиллиги йилида,— дейди Тошкент шаҳар Совети ижроия комитетининг социал-таъминот бошқармаси бошлиғи Мунаввар Ориповна Орипова. —Тошкент шаҳар Совети ижроия комитети уруш инвалидлари учун 184 та квартира, уруш қатнашчилари учун иккита квартира ва Ватанни ҳимоя қилишда ҳалоқ бўлганларнинг оилалари учун 120 та квартира ажратди. Ҳаммаси бўлиб 306 та янги замонавий квартиралар берилди. Биз чиндан ҳам район социал-таъминот бўлимларига биринчи апрелгача имтиёзли учётга қўйилганларга энг яхши шароитларни яратиб бериш имкониятига эгамиз. Масалан, Октябрь районига — 51 квартира, Ленин ва Собир Раҳимов районига 40 тадан квартира, Ҳамза районига —39 та, Чилонзор районига —35 та, Фрунзе районига— 28 та, Киров районига — 20 та, Акмал Икромов районига 15 та, Сергели районига — 14 та янги квартира ажратилди.

Бу Май байрами арафасида барча район Совети ижроия комитетларида тантанали равишда фронтда, жанггоҳларда саломатликларини йўқотган, урушда хотинлари ва болалари, эри ва оталаридан ажралган оилаларга янги квартираларнинг ордерлари топширилмоқда.

Уй тўйлари муборак, сизга доимо қувонч ва бахт ёр бўлсин, қўёшли пойтахтимизнинг эътиборли истиқоматчилари!

В. ЛАПИНА.

СУРАТДА: Ладигинлар оиласи янги квартирада.

«Иттифоқдош ва автоном республикаларнинг Министрлар Советларига, министрликлар, идораларга, халқ депутатлари маҳаллий Советларнинг ижроия комитетларига уй-жой шароитларини яхшилашга муҳтож бўлган Улуғ Ватан урушн инвалидларини, ҳалок бўлган ҳарбий хизматчиларнинг оилаларини ва белгиланган тартибда уларга тенглаштирилган кишиларни яқин икки йил мобайнида уй-жой билан таъминлаш чораларини кўриш топширилди».

(КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Советининг Улуғ Ватан урушида совет халқи қозонган Ғалабанинг яқинлашиб келаётган 40 йиллиги муносабати билан қабул қилган қароридан).

ДИЛ СЎЗЛАРИ

МЕҲРИБОНЛИК

Шу кунларда бутун совет халқи 1941— 1945 йиллардаги Улуғ Ватан урушида қозонилган Буюк Ғалабанинг 40 йиллигини эҳр ғурур билан нишонлаяпти. Айниқса, урушнинг барча қийинчиликларини бошдан кечирган биз уруш ветеранларига ҳамма жойда катта иззат-ҳурмат кўрсатиляпти.

Куни-кеча ёзлик пойафзал қидириб, Октябрь колхоз бозори территориясидаги 14-пойафзал магазинига кирдим. Магазин директори Акмал Қосимовга учрашиб мақсадимни айтган эдим албатта, ёрдам беражагини айтди. Магазиннинг эркаклар пойафзаллари бўлими мудири Хушнида Мирмаҳмудовани чақирди ва керакли размердаги менга мос пойафзални топиб беришини тайинлади.

Кейин билсам ушбу магазин коллективи «Ташобувьторг» коллективлари ўртасидаги социалистик мусобақа голибларидан бири экан. Харидорларга, айниқса уруш ва меҳнат ветеранларига иззат-ҳурмат, меҳрибонлик кўрсатаётган бундай сотувчиларга миннатдорчилик билдираман.

Ш. ТОҲИРОВ,

Улуғ Ватан уруши иккинчи группа инвалиди, III даражали Шуҳрат ордени кавалери.



Тошкент Давлат медицина институтининг клиникаларида Улуғ Ватан урушн ветеранларига малакали тиббий ёрдам кўрсатилаётир. Бу ерда ташкил этилган уруш ветеранлари бўлимида кўплаб Буюк Ғалаба учун кураш олиб борганлар саломатликларини тиклашмоқда. Бўлимда республиканинг барча областларидан ҳам беморлар қабул қилинмоқда:

СУРАТЛАРДА: бўлим мудири Гавҳар Исмоиловна Аммирова ва даволовчи врач Севара Шодмонова партизан отрядининг собиқ разведкачиси бемор М. Г. Блюдаянинг соғлигини кўздан кечиришмоқда; беморларнинг мириқиб ҳордиқ чиқаришлари учун бу ерда барча шароитлар яратилган.

Т. Каримов фотолари.



Донолар бисотидан

БАХТ ҲАҚИДА

Бахтга интилиш инсоннинг туғма хусусиятидир, шунинг учун ҳам бу ҳар қандай ахлоқнинг негизи бўлмоғи лозим.

Ф. ЭНГЕЛЬС.

Бахтли бўлиш ҳуқуқи инсон ҳуқуқининг ажралмас таркибий қисмидир.

Д. К. УШИНСКИЙ.

Қуш парвоз учун, инсон бахт учун яралган.

В. Г. КОРОЛЕНКО.

Бошқаларнинг бахтини ўйлаб, ўз бахтимизни ҳам топамиз.

ПЛАТОН.

Киши дунёда бой бўлиш учун эмас, балки бахтли бўлиш учун яшайди.

СТЕНДАЛЬ.

Ҳаётда бахтли бўлишнинг бирдан-бир йўли: жаҳонга ва айниқса ўз Ватанига фойдали бўлишдир.

Н. М. КАРАМЗИН.

Умрини бошқаларнинг бахти тўғрисида ғамхўрлик қилиш билан ўтказган кишилар энг ажойиб ва айни вақтда энг бахтиёр кишилардир.

В. А. СУХОМЛИНСКИЙ.

Шахсий фароғат тўғрисида ўйлаш табиийдир, буни эътиборга олиш керак. Лекин эл-юрт бахт-саодати ва бутун инсоният манфаатларидан кўз юмиб, фақат шахсий фароғат ҳақида ўйланса, ҳаёт чиркинлашади, майдалашади, очиғини айтганда — тубан бир ҳолга тушади.

Р. РОЛЛАН.

Маҳаллада нима гап?

ЭЪЗОЗ

Акмал Икромов номли район-ондаги Ульянов номли маҳалла комитети Буюк Ғалабанинг 40 йиллигини нишонлаш юзасидан ибратли тадбирларни амалга оширяпти. Маҳалладаги кўкаламзор хиёбонда Улуғ Ватан урушида ҳалок бўлган жангчилар хотирасига ёдгорлик ўрнатилмоқда. Ёдгорлик атрофига бир минг тупдан зиёд турли гул, манзарали ва мевали дарахт кўчатлари ўтказилиб парвариш қилинмоқда. Ёдгорлик атрофидаги соясалқин жойга ўриндиқлар ўрнатилиб, хордиқ чиқариш масканига айлантирилади. Ёдгорликни 9 Май куни тантанали очиш мўлжалланмоқда.

Байрамгача маҳаллада яшовчи Улуғ Ватан уруши инвалидлари ва қатнашчилари аниқланиб, уларни орден ва медалларини тақкан ҳолда алоҳида-алоҳида ҳамда группа ҳолда суратга туширилятти. Тайёр фоторасмлардан махсус альбом ва стенд тайёрланади.

Маҳаллада яшовчи шахсий машина эгалари жалб қилиниб, Улуғ Ватан уруши инвалидлари ва қатнашчиларини Узбекистон Халқ хўжалиги ютуқлари виставкасига, саёҳат қилдириш ниятидамиз. Куни кеча Мухтор Камолов, Самиғ Зиёмов, Муҳаммаджон Аҳмаджонов, Қўчқор Расулов, Қодир Ғуломов, Шорасул Исроилов каби бир группа ветеранлар маҳалла комитети раиси Раҳим Масхаров бошчилигида Тошкент чинни заводини томоша қилиб қайтишди.

С. ҒАФУРОВ.

Умри боқий дўстлик

Интернационал тарбия маркази

Мана ўн беш йилдирки, Ф. Энгельс номли Тошкент Давлат чет тиллар педагогика институтида жамоатчилик асосида ташкил этилган халқаро коммунистик ва ишчилар ҳаракати музейи ишлаб турибди. Музей «тинчлик ва халқлар ўртасида дўстликни мустаҳкамлаш учун кураш» шиори остида ишлайди.

Музейни ташкил этиш ташаббускори, инглиз тили лексикаси ва стилистикаси кафедрасининг катта ўқитувчиси, бир қанча чет тилларни билувчи Иван Марьянович Меленовский музей советининг раисидир.

Экспонатлар орасида Португалия Коммунистик партияси Марказий Комитетининг органи «Аванте» газетасининг 1931 йил 15 февралда яширин шароитда чиқарилган дастлабки сони, Парагвай коммунистларининг «Аделанте» газетаси сони, Уругвайда халқни антифашистик намойишга чорлаб чиқарилган варақалар, Карл Маркс ва Фридрих Энгельснинг аср бошида Буюк Британияда нашр этилган асарлари бор. Шунингдек, турли мамлакатлардан олинган сиёсий плакатлар, китоблар, брошюралар ва бошқа буюмлар кўпчиликда қизиқиш уйғотяпти.

Бу ерга меҳмонлар тез-тез келишади. Утган даврда жаҳоннинг 50 мамлакатидан келган 12 мингдан зиёд киши музейга ташриф буюрди. Улар орасида Афғонистон, Ҳиндистон, Бенин, Шри Ланка, Мали, Мадагаскар, Непал, Эфиопия, Буюк Британия, Сурия, Никарагуа, Уругвай, ГДР, Куба, Болгария, Франция вакиллари бор эди.

Студентлар — интернационал дўстлик клуби аъзолари ва комсомол активистлари музейни ривожлантириш ишида фаол қатнашяптилар. Улар музей залларини жиҳозлашда, экспонатларни озода сақлаш ва дид билан жойлаштиришда музей ходимларига яқиндан ёрдам беришади. Ленин стипендиати, инглиз тили факультетининг учинчи курс студенти Надежда Будная, француз тили факультетининг бешинчи курс студенти Юсуф Бобожонов, немис тили факультетининг учинчи курс студентлари Бахтигул Холбоева ва Ёркиной Шербоевалар бу борада ғайрат кўрсатишяпти.

Институт ўқитувчилари ва студентлари хорижий мамлакатлардаги дўстлари билан етти тилда: инглиз, француз, испан, португал, итальян ва грек тилларида ёзишмалар олиб боришяпти. Шунингдек, социалистик мамлакатлар билан рус тилида ёзишмалар олиб борилади. Жамоатчилик музейи адресига олинган мактублар орасида йирик давлат ва жамоат арбобларининг хатлари бор. Айни пайтда, музей экспонатлари сиёсий плакатлар, жаҳон коммунистик ва ишчилар ҳаракати арбобларининг портретлари, китоблар, турли нишонлар, фотоҳужжатлар, матбуот нашрлари билан бойиб боряпти.

— Биз ҳозир КПССнинг навбатдаги XXVII съезди, Буюк Ғалабанинг 40 йиллиги, ёшлар ва студентларнинг XII жаҳон фестивалига бағишланган стендлар тайёрлаяпмиз, — дейди музей советининг раиси И. М. Меленовский.

К. ЖУМАНИЁЗОВ,
Ф. Энгельс номли Тошкент Давлат чет тиллар педагогика институтининг катта ўқитувчиси.

Мукофот муборак!

ТОШКЕНТНИНГ ДОНГДОР СПОРТЧИЛАРИ

Бутун дунё меҳнаткашларининг Халқаро Бирдамлик куни — 1 Май байрами арафасида СССР Олий Совети Президиуми мамлакатимиздаги жисмоний тарбия ва спортни оммалаштиришга, мамлакатимиз спортининг шуҳратини оширишга катта ҳисса қўшган бир группа спортчи ва тренерларга орден ва медаллар бериш ҳақида Фармон чиқарди. Уларнинг қаторида тошкентлик спортчилар ҳам борлиги қувончлидир.

200 метр масофага сузиш бўйича жаҳон рекордчиси, СССРда хизмат кўрсатган спорт мастери Сергей Валентинович **Заболотнов ХАЛҚЛАР ДЎСТЛИГИ** ордени билан тақдирланди.

СССРда хизмат кўрсатган спорт мастери, сузиш бўйича бир неча марта халқаро мусобақаларда мамлакатимиз шарафини ҳимоя қилган Лариса Юрьевна **Белоконь**, эркин кураш бўйича СССРда хизмат кўрсатган спорт мастери Арсен Сулейманович **Фадзаев**, эркин кураш бўйича СССРда хизмат кўрсатган спорт мастери Аслан Хазбиевич **Хадарцев**, СССРда хизмат кўрсатган спорт мастери, сув полоси бўйича Олимпиада чемпиони Эркин Мақсудович **Шагаев «ҲУРМАТ БЕЛГИСИ»** ордени билан тақдирландилар.

